

Кафедра аъзоларининг иш фаолиятини олиб бориши, қонун талабларини бажаришлари ҳамда лавозим вазифаларини намунали тарзда бажаришларини назорат қилиш;

кафедра томонидан ўқитиладиган ўқув курслари (модуллар, мавзулар) бўйича ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуа ва бошқа ўқув-методик ҳужжатларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;

кафедра аъзолари ўртасида ўқув юкмасини тақсимлаш ва унинг ўз вақтида сифатли бажарилишини назорат қилиш;

ўзи ва кафедра профессор-ўқитувчиларининг белгиланган ўқув юкмалари бажарилишини таъминлаш;

ўқув машғулотларни ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг илмий, методик ва тарбиявий даражаси, олинадиган билим, кўникмаларнинг мутахассисликка оид йўналтирилганлигини назорат қилиш;

кайта тайёрлаш курси тингловчилари билимини жорий ва оралиқ баҳолаб боришларини назорат ва таҳлил қилиш;

кафедранинг иш режаси ва ҳисоботини, кафедра ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг шахсий иш режаларини, кафедра фаолиятига тааллуқли бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни Марказ раҳбариятининг тасдиғига тақдим этиш;

ўқув, илмий-методик, тарбиявий ва илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарурий шароитларни яратиш;

кафедрада ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш;

кафедра фаолиятини режалаштириш ва амалга оширилган ишлар ҳисобот ҳужжатларини тайёрлашни бошқариш;

кафедрага бириктирилган ҳудуд, хоналар ва аудиторияларда ички тартибга риоя қилиниши, улардан тўғри фойдаланиш, шунингдек ёнғин хавфсизлиги талабларининг бажарилишини назорат қилиш;

кафедра аъзоларининг шахсий хавфсизлик чораларини билиш ва уларга риоя қилишни талаб қилиш;

инспекциялар ва текширувларнинг якуний натижаларини таҳлил қилиш ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

Марказ раҳбарияти билан келишилган ҳолда кафедра ходимларини малака ошириш ёки стажировкадан ўтишини ташкиллаштириш;

ўқув машғулотларини педагогик назорат қилиш;

ўқув йили мобайнида камида бир марта очиқ (намунавий) дарслар ўтказиш;

кафедранинг профессор-ўқитувчилар ва ўқув жараёнига кўмаклашувчи таркибини танлаш, лавозимга тайинлаш бўйича Марказ раҳбариятига тақдимнома киритиш;

Марказ томонидан қабул қилинган дастур, йўл хариталари ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича режалари бажарилишини таъминлаш;

кафедра ўқув-методик кабинети ишини бошқариш ва уни замонавий ўқитиш техник воситалари билан таъминлаш ва жиҳозлаш чораларини кўриш, ўқув адабиётлар, маърузалар, методик ва кўргазмали қурооллар жамғармасини тўлдириб бориш;

кафедрада иш юритилишини ташкил этиш ва бошқариш;

кафедра аъзолари орасида ўзаро муносабатларни ва маданиятини таъминлаш; раҳбариятнинг кўрсатмасини ҳамда низом, буйруқлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш;

кафедра томонидан ўқитиладиган ўқув курслари (модулар, мавзулар) бўйича керакли даражада маълумотларга эга бўлиш;

Марказ ўқув режаларига ва дарс жадвалларига мувофиқ машғулотларни ўтказиш;

ўз ходимларига хизмат фаолиятини бажаришда, интизомда, меҳнатга бўлган виждонан муносабати билан намуна кўрсатиш;

ўқув-тарбия жараёнини амалиёт билан боғланган ҳолда ташкил этиш;

шахсий таркибнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларини билиш, хизмат бурчини онгли бажариш ҳиссини шакллантириш, якка тартибдаги тарбиявий ишларни мунтазам олиб бориш;

кафедра шахсий таркибини юқори маънавий ва сиёсий савиясини шакллантириш;

тақсимоатга кўра Марказда таълим оловчи тингловчилар контингентига уларнинг мутахассисликлари йўналишларидан келиб чиққан ҳолда кураторликни амалга ошириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг мутахассисликка оид йўналишларидан келиб чиққан ҳолда бунортмачи ва таълим иштирокчилари билан биргаликда амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилиш ва тадқиқ қилинишини ташкиллаштириш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг мутахассисликка оид йўналишларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган тингловчилар гуруҳлари билан мақсадли учрашувларни ташкил этиш, уларнинг таклиф ва тавсияларини ўрганиш ва умумлаштириш;

ўқув жараёнини тегишли ўқув-методик ҳужжатлар (ўқув дастури, маъруза матнлари, ўқув-методик жамланма, мультимедиа воситлари, амалий масалалар, казус ва ва ҳ.к.) билан таъминланиши ташкил қилинишини мувофиқлаштириш;

ўқув йили мобайнида юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизими учун камида битта ўқув адабиётини тайёрлаш;

ўқув жараёнида замонавий таълим технологиялари ва тингловчилар билимларини баҳолашнинг илғор усуллари қўлланилишини таъминлаш;

ўқув йили мобайнида камида иккита илмий конференцияларда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимига оид маъруза билан иштирок этиш;

ўқув йили мобайнида илмий нашрларда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимига оид камида битта мақола чоп этиш;

масофавий таълим платформаси учун ўқув контентларини яратиш ва кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланишини ташкил этиш;

тегишли ўқув курслари (йўналишдан келиб чиқиб) бўйича якуний синовлар қабул қилиш учун топшириқларни (тестлар, назорат саволлари ва ҳ.к.) шакллантириш ҳамда якуний синовлар ўтказиш учун методик материаллар ишлаб чиқиш;

педагогик фаолият билан шуғулланишга лаёқати бор, билим ва тажрибага эга амалиёт ходимларида кафедрада ишлаш қизиқишини уйғотиш орқали кадрлар захирасини яратиш ва ёш ходимлар ичидан қобилиятли, билимли, интилувчан ва ташаббускорларини аниқлаб, уларни босқичма-босқич лавозимларига тайинлашга оид таклифлар бериш.

кафедра мудури қонун ҳужжатлари ва Марказнинг локал ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.